

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 53-54 (10.358-10.359)

2005 ЙИЛ 18 МАРТ

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

ЛЮБЛЯНА, 17 март. /ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади/. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Брдо» қасрида Словения ташқи ишлар вазири, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси Димитрий Рупелни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Словениянинг халқаро масалалар бўйича ҳамкорлигига, мамлакатимизнинг ЕХТ билан муносабатларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

Ислон Каримов Словения Давлат йиғинига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарининг Словения Давлат йиғини раиси Франце Цукъяти ҳамда парламент фракциялари вакиллари билан учрашувда парламентлараро ҳамкорликка оид масалалар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбарининг Словения Бош вазири Янез Янши билан музокараларида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Словения Республикасига расмий ташрифи ниҳоясига етди.



Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

НАВРЎЗ

*Яшадим қиш фаслини узун йурида,
Қардим ёрғуликни тун эқурида,
Жоним, Сен ҳам энди тараққуи айла,
Сен ҳам табассум қил Наврўз кунда.*

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сўзлар

● **ЭРТАГА** Ҳамза туманидаги «Тўрткўл» маҳалласида туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тadbир Наврўз айёмига бағишланади.

● **ЭРТАГА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида талабалар иштирокида Наврўз айёмига бағишланган тadbир ва концерт ўтказилади.

● **КЕЧА** Сергели туманидаги «Ёшлик» маҳалласида «Тошкент тола» ташкилоти ҳомийлигида уюштирилган хайрия тadbирда маҳалла фаоллари иштирок этишди.

● **ЭРТАГА** 2-муруват уйда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлимлари ҳамкорликларида ўтказиладиган хайрия тadbирда тарбияланувчиларга эсдалик совғалари топширилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

ПАРИЖДА НАВРЎЗ НАФАСИ

Франция пойтахтида халқимизнинг суюкли айёми Наврўзи оламга бағишлаб зардўзлик махсулотлари, сўзана ва миниатюралар кўргазмаси очилди.

Париж шаҳар департаментининг мэри Пьер Танжэ тadbирнинг очилиш маросимидаги чиқишида ушбу кўргазманинг ташкил этилиши шаҳар маданий ҳаётидаги ўзига хос ва ажойиб тadbир сифатида ёдда қолажagini таъкидлади.

— Ўзбек халқи ўзининг меҳмондўст ва оққун-гиллиги билан дунёнинг бошқа халқларидан ажралиб туради, — деди у. — Ўзбекистонда бўлган ҳар бир одам буни жуда яхши билади. Бундай сифатлар қадим замонлардаёқ жаҳонда ўз эътирофини топган. Франция халқи ҳам Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларида рўй бераётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатади. Ўзбекистонда халқ амалий санъати ҳам ўзига хос ва бетакрордир. Самарқандга бориб, унинг мўъжизавийлигини ўз кўзи билан кўриш нафақат менинг, балки кўплаб юртдошларимнинг орзуси эканига ишончим комил.

— Бизнинг жамиятимиз 1988 йили ташкил топган бўлиб, унинг фаолияти ўзбек халқининг бой маданияти ва санъатини тарғиб этишга йўналтирилгандир, — дейди Темирийлар жамиятининг бош котиби Фредерик Брессан. — Менинг иккита ки-

тобим чоп этилди. Улар «Самарқанднинг зангори гумбазлари» ва «Мўъжизавий Самарқанд» деб номланади. Муҳтарам Президент Ислон Каримов йўллаган миннатдорлик мактубида ушбу асарларга юқори баҳо берилганидан бениҳоя бахтиёрман. Ўзбек халқ ижоди махсуллари ўзининг гўзал ва жозибадорлиги билан кишини ҳайратлантиради. Уйлайманки, бизларнинг ўзаро маданий алоқаларимиз бошқа кўпгина соҳалардаги ҳамкорлик муносабатларининг янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Кўргазманинг очилиш маросими доирасида намойиш этилган ўзбек раққосаларининг маданий дастури ҳам тadbир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Халқимизнинг зардўзлик санъати, сўзана ва миниатюралари намуналаридан иборат ушбу кўргазма уч ой давомида нафақат Париж шаҳрида, балки Франция ва Испаниянинг яна бошқа қатор шаҳарларида ҳам намойиш этилади.

Файрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Париж

19 март — чинчаклик ҳашари

БАЙРАМГА ОРАСТАЛИК ЯРАШАДИ

Навбахор серкуёш диёримиз бўйлаб мағрур одимламоқда. Унинг нафаси кишиларимиз чеҳрасини гулгун этаётир, дилларни нурга ўраб, битмас-туганмас завк-шавк, куч-ғайрат инъом этаётир.

Дилларда, элларда — баҳор. Дала-қирларда, тоғ-йилловларда, шаҳар-қишлоқларда баҳор. Наврўз—меҳнат байрами. Бу фасл биз учун ободончилик ва поэтизалик фасли бўлиш билан ҳам қадрлидир. Хар йили шу айём арафасида умумхалқ

ҳашарлари ўтказилиши анъанавий тусга кирганлиги ҳам ана шунда. Шу кунни ҳамма бир жон, бир тан бўлиб ҳашарга чиқади. Ариқ ва зовурлар тозаланади, дарраҳт ва гул кўчатлари экилади. Кўчалар гўзаллашиб ажиб бир манзара кашф этади. Саран-

жом-саришта хонадонларимиз байрамона тус олади.

Бугун ҳамма-ҳамма эртага ўтадиган анъанавий ҳашарга тайёргарлик кўрмоқда. Барча юртдошларимиз катори ҳамшаҳарларимиз ҳам пойтахтимизга орасталик бағишлашга шошилмоқда.

XVI сағоси

Барча навбалардан
олинган сўзга кабарлар

● **Ўзбекистон Республикаси** Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Тошкент Ислон университетида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашининг маънавий-маърифий асослари»** мавзусида халқаро илмий-амалий конференция очилди.

● **Наврўз байрами арафасида «Сихат-саломатлик йили»** давлат дастурига мувофиқ уюштирилган умуммамлакат марафонининг Нукусдан чиққан қатнашчилари мамлакатимиз пойтахти сари йўл олди.

● **Ўзбекистон Республикаси** товар хом-ашё биржасининг Эллиқкальва туманида иш бошлаган савдо майдончаси фермерлар, тadbиркорлар, корхона ва ташкилотлар учун ҳаққий Наврўз тўхфаси бўлди.

Жаҳонда

● **Европа Иттифоқига** аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг Брюсселда бўлиб ўтган учрашувда Хорватиянинг мазкур Иттифоққа кириши юзасидан ўтказиладиган музокараларни номаълум мuddатга кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

● **Фаластин мухторияти** маъмурлари Фаластиндаги экстремистик гуруҳлар билан Исроил аскарлари ва объектларига ҳужумларни тўхтатиши тўғрисидаги келишувга эришдилар.

● **Британия геологларининг** оғохлантиришига кўра, Жануби-Шарқий Осиё минтақасида яна қаттиқ zilзила юз бериши эҳтимоли бор ва бунининг оқибатида цунами келиб чиқиши мумкин.

Қўтловлар

Юичи КУСУМОТО,
Япониянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

— Хурматли ўзбекистонликлар!

Барчангизни кириб келаятган баҳор байрами - Наврўз билан табриклайман. Сизларга энг яхши тилакларимни билдираман. Соғлигингиз мустаҳкам, меҳнатингиз унумли, кундалик ҳаётингиз фаровон бўлсин.

Ханс-Йоахим КИДЕР-ЛЕН,

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

— Элчи сифатида мен биринчи мартаба Наврўз байрами нишонланшининг гувоҳи бўлмоқдаман.

Тошкентда уйғонаётган баҳорни, табиат яшаришини, ўз чиройини кўз-кўз қилаётган бодом ва ўрик гуллашини кузатиш нақадар завқли. Бу вақтда биламизки, биз, инсонларнинг куч-қувватлари ҳам янгиланади.

Фурсатдан фойдаланиб, пойтахт аҳолисини ва барча Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан табриклайман ва бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, мамлакат ривожини йўлида куч-қувват тилаб қоламан.

Кемал АСЯ,
Туркия Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси:

— Бутун ўзбек халқини Наврўз байрами билан табриклайман.

Туркияда ҳам нишонланадиган яшариш байрами муносабати билан турк халқининг саломлари ва эҳтироmlарини изхор этаман.

• **Абдурасул НОРТОВЕВ,**
«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиб:

— Шодиёнлар ичида Наврўзи олам энг кутлуғи, энг ўзгачаси, десам асло муболаға бўлмайди. Гузаллик ва уйғонийш фасли баҳорда кириб келадиган ушбу айём барчани яшартиради, атрофни яшнатади, дилларга сурур солиб, қалбларда гурур уйғотади. Ушбу эзгулик байрамиди ҳамма бир-бирига меҳрибон бўлишини, дилларни яхшилик тарқ этмаслигини тилайман. Дожсонларда қайнаётган Наврўз таомларининг таъми ҳаммисизга озғимизда қолсин, юрагимизга эзгу ният, беғуборлик олиб кирсин.

• **Собит РАСУЛОВ,** **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган курувчи:**

— Хар йили ўлкамизга Наврўз айёми кириб келар экан, ҳамюртларимиз юзларидаги шодликни, бир-бирларига меҳр-оқибатлари товланишини, саховатини кўриб қувониб кетаман. Бирор гўша йўқки, кутлуғ байрам уни четлаб ўтса. Ҳамма-ҳаммани яшнатадиган, қувнатадиган, миллий кадриятларимиз эъзоси бўлган қадимий байрамимизнинг умри боқийлигидан гурурланаман. Хар қадамиди бахт ва эзгулик сочилаётган айём муборак, азиз юртдошларим!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

15-17 март кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов олиб борди.

Депутатлар даставвал «Рада-Мажлис» овоз бериш электрон тизими ишини назорат қилиш гуруҳини тuzдидилар. Сўнгра лойиҳаси қуйи палата Кенгаши томонидан тавсия этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Депутатлар кун тартибига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришдилар. Сиёсий партиялар фракциялари ўртасида мувофиқлаштирилган таклифларга биноан депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг барча ўн та қўмитаси таркибини сайладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муваққат регламенти лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида депутатлардан Р.Собиржонов,

Ш.Умарова, А.Рустамов, Д.Тошмухамедова, У.Исмоилов, А.Аматов, А.Турсунов, А.Зиё, И.Насриев, Х.Ҳақимов, А.Раҳимов, А.Аҳадов, Э.Юсуповлар иштирок этдилар. Муҳокама чоғидаги таклифлар ҳисобга олинган ҳолда муваққат регламент тасдиқланди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентини ишлаб чиқиш учун комиссия ҳам тuzиди.

Спикер ўринбосари М.Сафаева раҳбар бўлган ушбу комиссия таркибига қўмиталар раислари ва сиёсий партиялар фракцияларининг раҳбарлари киритилди.

Қонунчилик палатасининг мажлисида эълон қилинган танаффус вақтида қўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларининг мажлислари бўлиб ўтди. Уларда қўмиталар қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг ҳамда улар ўтказадиган тадбирларнинг 2005 йилга мўлжалланган режалари лойиҳалари муҳокама қилинди. Мажлиси-

ларда билдирилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда ҳужжатлар қўриб чиқиш учун парламент қуйи палатасига тақдим этилди.

Танаффусдан сўнг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И.Насриев қўмита қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолиятининг 2005 йилга мўлжалланган режасини шакллантиришнинг бориши тўғрисида, шунингдек, жорий йилда ўтказиладиган тадбирлар ҳақида ахборот бердилар. Барча қўмиталар ва сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда ва савол-жавоблар, билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалардан сўнг маърузачилар ахборотлари маълумот учун қабул қилинди.

Бошқа қўмиталар режалари лойиҳаларининг муҳокамаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кейинги мажлисларида давом эттирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИДА

Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан шу йил 17 март кунини ўтказилган давра суҳбати мамлакат парламенти юқори палатаси фаолиятини ташкил этиш масалаларига, сенаторлик ваколатларини амалга оширишдаги фаоллик омилларига бағишланди.

Унда Сенат қўмиталари раислари, сенаторлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбати қатнашчилари жойларда сенаторлар ишини ташкил этиш, уларнинг юқори палата қўмиталарида сенаторлик фаолиятини олиб боришининг шакл ва усулларини такомиллаштириш масалалари-

га алоҳида эътибор қаратдилар. Бинобарин, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида таъкидлаганидек, икки палатали парламентни шакллантиришдан қўзғалган асосий мақсадлардан бири умумдавлт ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш бўлиб, бунда маҳаллий Кенгашлар вакилларидан иборат юқори палата — Сенат ҳудудий вакиллик органи вазифини бажара-

ди. Шу боис анжуманда сўз олганлар сенаторларнинг қонунчилик фаолияти ҳамда парламентнинг юқори палатаси қўмиталари таркибиди олиб борадиган ишларини пухта ташкил этиш масалаларини атрофлича муҳокама этишди.

Шунингдек, давра суҳбатида парламент сўрови, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунларга қандай риоя этилаётганлиги хусусидаги ахборотлари Сенат қўмиталари мажлисларида

эшитилиши муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди. Сенаторларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида сўз юритилар экан, уларнинг аҳоли билан бевосита олиб борадиган ишларини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди. Амалий тавсиялар берилди. Сенатнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорликдаги ишларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш йўллари ҳақида ҳам батафсил фикрлашиб олинди.

Давра суҳбатида Сенат фаолияти самарадорлигини оширишга тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Тараққу

ЎЗГАЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТАДИ

Шахримизнинг кўркам ва улугвор боғларидан саналган Ўзбекистон Миллий боғи бугунги кунда янада чирой очмоқда.



Айни дамда ушбу боғда амалга оширилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, бунёдкорлик ишлари қизгин паллада давом этмоқда. Кўпчиликка маълумки, илгари Миллий боғдан оқиб ўтувчи анҳор ариғи қаровсиз аҳволда эди. Эндиликда ушбу анҳор қайтадан асфальтланиб, ён-атрофларига арча кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, боғнинг Алишер Навоий хайкали томон бориладиган йўл ҳам текисланиб, тўғри ва раван асфальт йўлга айлантирилмоқда.

Боғнинг таъмирлаш ишларида Тошкент шаҳар йўл қурилиш-таъмирлаш трестининг 2-сонли бошқармаси бош пудратчи ҳисобланади. Шунингдек, ободонлаштириш ва кўкалам-

зорлаштириш ишларини ободонлаштириш бош бошқармаси ирригация трестининг 4-сонли бошқармаси ишчилари амалга оширишмоқда.

— Айни дамда таъмирланаётган йўлга шағал ётқизибли, асфальтлаш ишлари олиб

борилмоқда, — дейди жумладан Тошкент шаҳар йўл қурилиш-таъмирлаш трестининг 2-сонли бошқармаси бошлиғи Жамолiddин Ерхўжаев. — Ушбу қуриладиган йўлнинг узунлиги 330 метр, эни 12 метрни ташкил этади. Хозирда йўл четига бетон ариқчалар ётқизибли, пиёдалар учун йўлакчалар ҳам қурилмоқда. Ушбу ишлар бошланганига кўп вақт бўлмасда боғга келган киши унинг бошқача қиёфа касб этганидан

хайратланмай қолмайди. Айниқса боғга дарахт ва арча кўчатларининг ўтказилиши, йўл бўйига чироқлар ўрнатилиши албатта унинг хуснига янада хусн қўшиши табиий.

Айни дамда Миллий боғда олиб борилаётган қизгин паллада ишлар якуни халқимизнинг севишли айёми Наврўз байрамидида юртдошларимизга муносиб совға бўлиши шубҳасиз.

Озода РИХСИЕВА СУРАТЛАРДА: Йўл қурувчилар — участка бошлиғи Камол Ҳаққулов ва участка устаси Улугбек Холиков иш режасини тузишмоқда; кенг, раван йўл асфальтга тайёрланмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



ФЕСТИВАЛЬ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида ҳаваскорлик театрлари республика фестивали якунланди. Тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиғи, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.





Уч кун давом этган фестивалда юртимизнинг ўн тўртта энг яхши ҳаваскорлик театр жамоаси саҳна асарларини муҳлислар эътиборига ҳавола қилди. Спектаклларда кўтариб олинган мавзунинг долзарблиги, асарнинг бадиий савияси, актёрлар ижрочилик маҳорати, саҳна безаклари асосий баҳолаш мезони бўлди.

Бухоро вилояти Жондор тумани маданият саройига қарашли халқ театрининг «Оналар бўзламасин» спектакли биринчи ўринга лойиқ топилди. Гулистон шаҳар маданият уйи ёш томошабинлар театрининг «Богдан-тоғдан», Қўқондаги 1-маданият уйи Занжирали Мўзаатов номидаги халқ театрининг «Гуноҳсиз гуноҳкор» спектакли иккинчи ўринга сазовор бўлди. Наманган вилояти Янгиқўрган тумани, Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани маданият уйлари халқ театрлари жамоалари учинчи ўринни эгаллади.

Фестивалда, шунингдек, «Энг ёш ижрочи», «Энг моҳир ижрочи», «Энг яхши аёл образи учун», «Энг яхши эркек образи учун» каби номинациялар бўйича голиблар ҳам аниқланди.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳар Ўрта махсус,
касб-хунар таълими бошқармаси жамоаси
барганнизни меҳр-мурувват ва
орзу-умидлар рамзи, табииатнинг уйғониш
фасли бўлмиш Наврӯз —
умумхалқ байрами билан энг эзгу
пилаклар ила самимий муборақбод этади.
Токланиш айёми қалбларимизга ёруғлик,
хонадонимизга бахт-саодат
олиб келишига пилакдошимиз.



Тиббиёт

ИСТИҚБОЛЛИ
ЛОЙИХА

«Тиббиётни ахборотлаштириш ва Марказий Осиёда тиббий таълимни ривожлантириш» деб номланган лойиҳа доирасида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида юзага келган бу лойиҳанинг биринчи босқичи ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида бу жараёни рўёбга чиқаришда «Ўқув ресурс маркази» ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Ушбу марказнинг Интернет тармоғида веб-саҳифаси очилиши лойиҳада кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида адо этиш имконини бермоқда. Интернетнинг ўзбек сегменти эса ўқув ресурс маркази веб-саҳифаси тиббиёт йўналиши бўйича йирик ахборот ресурсига айланиб қолди.

БОЙ
ТАЖРИБАЛАР
АСОСИДА

Бугунги кунда биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти клиникалари йирик шифобахш марказларга айланиб қолди. Уларда жаҳон тиббиёти муолажаларида орттирилаган бой тажрибалар ҳам қўлланилмоқда.

Олий ўқув юртининг Жанубий Кореядаги Гёнсанск университети билан ҳамкорлиги ҳам шифобахш муолажаларни йўлга қўйишда омил бўлиб хизмат қилаётир. Ўзаро келишувга биноан тиббиёт клиникаси бўйича ҳам алоқалар кенгайтирилди.

Ҳар икки олий ўқув юрти ўртасида кадрлар айирбошлашга ҳам киришилди.


ПОЛИКЛИНИКА
КАДА КЛУБ

Тошкент Давлат аграр университети поликлиникаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу эса мазкур шифо масканида даволаш ишларини самарали олиб боришда қўл келмоқда.

Поликлиника университетида қарашли академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларига ҳам тиббий хизмат кўрсатиш ташаббуси билан чиқди. Эндиликда бу ерда ўқувчи ёшлар муолажаси ҳам йўлга қўйилди.

Поликлиника шифокорлари «Соғлом авлод» тиббий клуби машгулотларини ҳам олиб боришмоқда.

Ахбар АЛИЕВ



Бунинг фойдалилиги шундаки, меҳнат инсонни олижанобликка ундайди. Шодлилик шундаки — кишиларни эзгу мақсадлар сари бирлаштирадиган, ҳамма - бир киши, бир киши — ҳамма учун хайрихоҳ бўлишга даъват этувчи ҳашар куй-қўшиқлар ва албатта тукин-сочин ҳўрсатмоқда ва дошқозонда тайёрланадиган хўшбўй ош билан ҳам таърифланади.

Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихсатилла Акромов ахборотига кўра, эртага, 19 март куни Наврўз айёми олдидан ўтказиладиган умумхалқ ҳашарида ёшу қари — 700 мингдан зиёд пойтахт аҳолиси иштирок этади. 600 минг дарахтга шакл берилиб оқланади, 250 та кўп қаватли уйларнинг ташқи кўринишида таъмирлаш ишлари олиб борилади. Хайрли тадбир куни асосий эътибор шунингдек, хотирлаш қадамжоларини



тартибга келтириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган. Ушбу ишларда 400 дан зиёд автомеханизмлардан фойдаланилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизматидан олинган маълумотларга қараганда, ҳашарда барча меҳнат жамоалари, ўқув юртлири талабалари ҳамда маҳаллалар аҳолиси иштирок этади. Аънаввий тарзда ҳашардан орттирилган бир кунлик маблағлар «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиб, кейинчалик 452 та маҳалла бўйича ўзини ўзи бошқариш органларининг инфратузилмасини ривожлантириш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз ва ногиронларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш йўлида тақсимланади. Дарвоқе, ўтган йилги икки ҳашар якунларига кўра республика бўйича 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ тўпланган бўлса, шундан тўртдан бир қисми маҳаллаларни ободонлаштириш ва гузарлар бунёд этишга сарфланган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу сафарги ҳашарда 2 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ орттирилади. Хайрия тadbиридан тушган ушбу молиявий маблағлар мақсадли ва манзилли ишлатилиши шўбҳасиздир.

Ҳашар — ҳар биримиз шаҳримиз, бутун мамлакатимиз янада чирой очиб ободлиги учун оз бўлсада, лекин кўнгил амри билан шахсан улуш қўшиш ниятида иштирок этадиган аънаввий тадбир ҳисобланади. 19 март куни Олмазор мавзеси аҳолиси ва шу ҳудудга яқин жойлашган қорхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари Ўзбекистон Миллий боғига ҳашарга чиқишни кўзда тутмоқ-

да. Бу ерда пойтахтимизнинг бош дам олиш масканини ободонлаштириш ва байрам тантаналарига вақтида тайёрлашда яқиндан ёрдам бериш учун улар бир неча қурилиш ташкилотлари мутахассислари билан тенгма-тенг туриб ишлашга ҳозирланганлар.

Пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасининг 15 гектардан зиёд ҳудуди Тошкент Давлат техника университети талабалари кучи билан ободонлаштирилмоқда. Ўқув юртининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ва «Талабалар уйлари» дирекцияси ташаббуси билан ўтган деярли бир ой давомида ҳар шанба ва якшанба кунлари

ни Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига бажаришни режалаштирганмиз, лекин эскишаҳарликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари Наврўзи олам тadbирларини бемалол боғ ҳудудида ўтказишлари учун барча қулайликлар яратилмоқда, — дейди объект буюртмачиси вакили — «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси бош мутахассиси Улуғбек Мархаев. — Биринчи босқичда асосий ободонлаштириш ишлари ҳажми поёнига етказилади. Шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ҳамкорлигида Наврўз куни бу ерда олтига ўйин аттракционни фойдаланишга топширилади. Савдо департаменти томонидан 50 дан зиёд савдо нукталари очилиши режалаштирилган. Байрам тараддуди билан боғлиқ ишларни 20 мартга қадар якунлаш учун бугундан бошлаб бизларга ҳашар тарзида кўпчилик ёрдам беришга шайланган. Жумладан, «Шаҳар йўл қурилиш трести» акциядорлик жамияти, «Бинокор» ишлаб-чиқариш қурилиш компанияси, бош пудратчининг бошқа тузилмалари қаторида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида Сағбон, Қорасарой, Фаробий, Зарқайнар кўчалари аҳолиси ҳамда бир неча меҳнат жамоалари қатнашмоқда. 21 март куни эса халқ сайиллари бўлиб ўтади.

Шу ўринда тарихга ҳам бир назар ташласак. Илгарилари бу манзил Жангоҳ деҳа аталар эди. Тўртта тарихий даҳа — Бешёғоч, Сағбон, Кўкча ва Шайхонтоҳурнинг маркази ҳисобланмиш бу ерга ўнбоши, эллиқбоши ва юзбоши — шаҳар фаоллари долзарб масалалар, йиғилиб қолган турли муаммоларни ҳал этишга тўлларан эди. Сўз мазмунига қараганда, айрим пайларда низоли дақиқалар ҳам учраган... Шуниси ҳам эътиборлик, аста-секин бу жойга кўп-кўп одамлар йилга бошлаган. Шу атрофдаги маҳалла аҳолиси Эски Жўва бозоридан боғ томонга ўтиб, дорбозлар, масқарабозлар чиқишларини, хўроз уриштириш ўйинларини томоша қилган. Тарихий манбаларга қараганда, шаҳардаги биринчи театр саҳнасига ҳам шу ерда асос солинган. Кейинчалик, 1932 йилда эскишаҳарликлар ташаббуси билан айнан шу манзилда, 18 гектардан иборат ҳудудда ҳашар йўли билан биринчи дам олиш маскани барпо этилиб, тошкентликларнинг доимий дам олиш боғига айланган.

Аънавлар асрлар оша яшайди. Уларга халқнинг ўзи талабгордир. Эскишаҳарликлар бу кунни — яна бир бор кучларни бирлаштириб, боғ ҳудудини тиклаган ҳолда халқ сайилларини ўтказишни орзиқиб кутгани. Ниҳоят ушбу кунларни кўриш ҳам насиб этди.

...Ҳар куни эрта билан биз ишга, ўқишга, бошқа юмушларга ошиқамиз, лекин доимий кўним тогган манзилмиз — уйимиз жойлашган, яқинларимиз кутган маҳаллага албатта қайтамиз. Ҳашардан ташаётган маблағлар бевосита маҳаллаларимиз ривожига йўналтирилаган чўқур маъно аналтиши



тушунарлидир. Ҳашар куни қилган озми-кўпми бегараз меҳнатимиз умумлаштирилган ҳолда барака билан ўзимизга қайтиб келади: ховлиларимиз, кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, сеvimли шаҳримиз янада обод бўлиб, гўзаллашади. Бундан ҳар бир инсоннинг ҳам кўнгли ёришади, хотиржамликка ундайди. Шу каби ҳиссиётлар бизни ҳеч тарк этмасин.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

Ҳашар — эга ярашар

ОБОД КЎНГИЛ, ПОК
НИЯТ, ЯГОНА ЭЗГУ
МАҚСАДЛАР САРИ

Мана бир неча йилдирки мамлакатимиз ҳаётидаги икки улуг сана — Мустақиллик ва Наврўз байрами олдидан барчамиз умумхалқ ҳашарлари — соғлом турмуш, фойдали меҳнат, шунингдек шоду хуррамликни мадҳ этувчи тадбирларда иштирок этиб келамиз.


ёшлар галдаги дам олиш боғини барпо этиш мақсадида катта майдондаги ҳудудни тартибга келтириш ишлари билан банд бўлмоқда. 19 март куни бу ерда 350 туп арча ва 4 минг дона гўл кўчатлари экилиши режалаштирилган. Дарҳақиқат, «галдаги» дейишимиз бежиз эмас. ТДУ талабалари шу каби лойиҳаларнинг амалга ошишига биринчи мартаба бош бўлаётганлари йўқ. Қолаверса, боғ-роғлар яратиш Тошкент Давлат техника университетининг аънаванасига айланиб қолган дейиш мумкин. Бу ерда бўлган ҳар бир киши ўқув юрти атроф ҳудудининг осойишталигига албатта эътибор қаратади. Жийда, анор, шафтоли, ўрик, анжир, тутзорлар ҳеч қимми беварқ қолдирмаслигига шўбҳа йўқ.

Бу йилги Наврўз ўзгача хусусиятларга эга бўлади. Ташкилотчилар миллий аънаваларимизни тиклаган ҳолда байрам дастурларида асосий эътиборни халқ сайилларига қаратишни кўзда тутмоқда. Оммавий сайиллар эса пойтахтимизнинг деярли барча туман марказлари ҳамда 19 та дам олиш ва истироҳат боғларида бўлиб ўтади.

Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманлари аҳолиси бу йилги Наврўз айёминини пойтахтимизнинг юраги - Эски шаҳарда жойлашган Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғида ўтказишга умид боғлаганига етарли асос бор. Маълумки, бугунги кунда бу ерда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва бевосита раҳнамолиги остида кенг қамровли яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Яқин кунларда аксарият қурилиш ташкилотлари ҳамжиҳатлигида Тошкентнинг Эски шаҳар қисми миллий ва умумбашарий қадриятларни ўзида акс эттирувчи замонавий мегаполис марказига айланганининг гувоҳи бўламиз.

Пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта таъмирлаш ва куриш дастури доирасида мамлакатимиз Президенти томонидан олтига асосий йўналиш белгиланган. Шулардан бири — Абдулла Қодирий номидаги дам олиш ва истироҳат боғини тубдан таъмирлаш, бу ерда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришдан иборатдир.

— Бу борада белгиланган вазифалар-



Барча юрtdошларимизни,
азиз ҳамшаҳарларимизни

Янги кун —

уйғониш ва нафосат
айёми Наврўзи олам билан чин
дилдан муборакбод этамиз.

Қалбларингизни баҳорий кайфият,
меҳр-оқибат асло тарк этмасин.

Элимиз дастурхонидан қут-барака,
тўкинлик аримасин.

Сиҳат-саломатлик йили
оилаларимизга омад келтирсин!



“НОРУДА”






АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ



Қадрли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!
Катта шодиёна — Наврўзи олам билан кутлаймиз.

Сиз, азизларга энг яхши тилаklarимизни
изҳор этамиз.

Меҳрингиз биллурдек тиниқ бўлсин!



«ОШЛИК»

Наврўз — тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик байрами. Кўп асрлар давомида ушбу байрам инсонларни она-заминга муҳаббат, табиатга хурмат руҳида тарбиялаб, уларни ўзаро тоғувликка, бирдамликка, тинчликка даъват этиб келган. Ҳамшаҳарларимиз албатта бу кун бир-бирларини йўқлаб, хушу хандон суҳбат қурадилар, ёқимли мусиқа, дилбар қўшиқ тинглаб мазза қилиб дам оладилар. Шуларни ҳисобга олган «ойнаи жаҳон»нинг заҳматкаш ходимлари ранг-баранг байрам дастурлари билан хизматга шай турибдилар. Биз «Ёшлар» телеканали бош муҳаррири Абдуазим Алимов ва «Тошкент» телеканали бош директори Незмат Саидхоновлар билан мулоқотда бўлиб, ҳамшаҳарларимизни кутаётган байрам томошалари билан қизиқдик.

— Байрамлар байрамларга уланган даврда хизмат қилишнинг ҳам ўзига яраша ташғи бор, — деб сўз бошлади Абдуазим Алимов. — Чунки бир-бирига ўхшамаган, томошабинни зериктириб қўймайдиган дастурлар тайёрлаш керак бўлади. Изланасан, ўйлайсан, талашиб-тортишасан, натижаси эса аъло бўлади. «Ойнаи жаҳон» мухлислари экран қаршидан кетгилари келмай қолади. Биз «Ёшлар» телеканали жамоаси ана шу ниятда баҳор ва янгиликни айёми — Наврўз байрами дастурларини тайёрладик.

Яъни эрталабки илиқ каломимизни «Мунаввар тонг» билан бошлаймиз. Бу кўрсатувимиз Тошкент вилоятининг энг сўлим гўшасидан махсус тайёрланди.

Ёш шоирлар, созандаю хонандалар ўз иқтидорларини имкон қадар кўрсатишга ҳаракат қиладилар, кайфиятингизни баҳорий насимлар билан кўтардилар. «Болалар шеърляти»да эртамик поллопонлари бўлган ёш истеъодлар билан ошно бўласиз.

«Наврўз ханда»лари ҳам

ҳар қандай томошабин мамнун бўлиши тайин. Булардан ташқари кун бўйи орада бериб бориладиган байрам табрик ва тилакларига Ирода Тўлаганова, Рустам Қосимжонов, Миржалол Қосимов, Абдулла Тангриев каби спортчилар, Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлган

ни ният қилиб, Наврўз айёмини — Ўзбекистон Миллий боғидаги тантаналардан бошлаймиз. «Паловхонгўра» деб номланган шоу-дастур эса махсус тайёрланган бўлиб, унда эл ардоғидаги санъаткорлар, Мирзабек Ҳолмедов, Обид Асомов каби кулги усталари, ёш эстрада юлдузларининг ажойиб уйғунликдаги чиқишлари барчага табассум улашиши аниқ, Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг ажойиб намунаси «Ёр-ёр» фильмини эса ҳеч ким бефарқ кўрмаса керак. «Ҳамшаҳарлар» кўрсатувида эса барча қилинган хайрли ва эзгу юмушлар, ободончилик, кўкаламзорлаштириш, покизалаш, маҳаллардаги кўтаринкилик асосий мавзу қилиб олинган. «Ёшлар даврасида», «Аёл қалби» каби кўрсатувларда эса барча соҳанинг илғор аёллари, фаоллик тараннум этилса, «Аёллар салтанатида» — «Ибратли келин» ўқув марказининг фаолияти, ёш қизларни ҳаётга тайёрлаш йўлидаги юмушлар ҳикоя қилинади.

Булардан ташқари «Биргалликда куйлаймиз», «Ёқимли иштаҳа», «Баҳор фасли — ёшлик фасли» каби қатор махсус, фақат Наврўз руҳи билан суғорилган кўрсатувлар, завқу шавқ билан томоша қиладиган дилтортар кўрсатувлар ҳамшаҳарларимиз ҳукмига ҳавола этилади.

Орзу-умидлар байрами, янги кун, янги кун муборак бўлсин азиз юртошлар!

Шоира МУҲАМЕДОВА
ёзиб олди.

Қўриқ томоша килиқ

ОРЗУ-УМИДЛАР БАЙРАМИ МУБОРАК!

Ўлкамик узар бор гўзаллиги билан бутун борлиқни яшнатиб, гулу чечакларга бурканган баҳорни, Наврўз айёмини қанчалар интиқлик билан кутгандик, мана у — остонамизда эшик қоқмоқда.

махсус, ўзига хос тарзда тайёрланган. «Гул ва Наврўз» драматини Муқимий номидаги мусиқали театрдан олиб кўрсатамиз. «Баҳор соғинчи» деб номланган кўрсатувимиз эса табиат кўйида олинган, «Сен азиз ва муқаддасан аёл» байрам кўрсатуви мунис ва меҳрибон аёллар, волидаи муҳтарамаларимизга бағишланган. Хоразм, Самарқанд, Навоий вилоятларидан махсус тайёрланган кўрсатуви эса «Бир ўлкаки» деб номладик. Яна шунингдек «Ҳандалак»нинг махсус сони, «Оҳанрабо» кўрсатувимиздан ўрин олган мумтоз қўшиқларимиз, «Оқшом юлдузи» деб номланган бир соатлик ажойиб дастуримиздан баҳраманд бўлган

истеъодли ёшларнинг дил сўзларидан баҳраманд бўлиб, қатор янги-янги бадиий фильмларни кўриб мазза қилиб ҳордик чиқаришлари мумкин.

— Баҳор ва янгиликни байрами — Наврўзи оламда табиат уйғониб, одамлар яшариб, она заминдаги барча жонотлар куч-қувват оладиган давр, — дейди суҳбатдошининг фикрига қўшилган Незмат ака Саидхонов. — Деҳқон барака уруғини ерга қадайдил, боғбон кўчат ўтқазиб, элу юрт фаровонлигини янада яхшилашни Наврўз билан боғлайди. Биз ҳам байрам дастурларимизни экран қаршига баҳорий кайфият, кўтаринкилик билан келган томошабинларга хуш кайфият улашишдан бошлаш-

Байрам

дастурхонига

«ШОДЛИК»

ШОДЛИК УЛАШАДИ

Ҳар қандай байрам дастурхонини ширинликларис тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис ҳам пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Шодлик» қандолат комбинатининг кўли гул ширинпазлари Наврўзи олам дастурхонини безашда бор маҳоратларини ишга солишмоқда.

Корхонада тайёрланаётган 30 турдан зиёд қандолат маҳсулотлари ҳамда ажойиб безакли тортлар хариддорларни сифати ва кўриниши билан мамнун этмоқда. Байрам арафасида эса улар бор маҳоратларини ишга солишиб, «Наврўз», «Зебо», «Шодлик» деб номланган тортларни ҳамшаҳарларимизга тортиқ этишмоқда. Бу борада моҳир уста Гулнора Одилованинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш ўринли. У шахримиз қандолатпазлари ўртасида ўтказилган қўриқ-танловда иштирок этиб, голибликни қўлга киритди.

БИРДАЙ ЁҚАДИ

Хусусий тадбиркор «Файзуллаев Ш» кичик корхонасининг замонавий технологиялар ёрдамида тайёрлаётган маҳсулотлари тури Наврўзи олам арафасида яна биттага кўпайди. Янги турдаги коржик (ширин нон) маҳсулоти болажонларимиз учун ажойиб байрам тухфаси бўлади.

Шунингдек, корхонада 10 турга яқин праник ва печеньелар ишлаб чиқарилиб, пойтахт ва республикамиз вилоятларидаги савдо шохобчаларида сотилмоқда. Хоржиникидан асло қолишмайдиган рақобатбардод маҳсулотлар эса чиройли ва бежирим идишларда қадоқланмоқда.

Дилноза СОДИҚОВА



Қадрли ғортошлари мизни қалблари мизга
қувонч солиб қириб қелаётган
Наврўз айёми
билан чин дилдан қутлаймиз.
Хар бир кунингиз муваффақиятли бўлсин,
дилингизни яхшилик тарқатмасин!



“MUXLISA QIZ”
хусусий савдо ишлаб
чиқариш фирмаси

НАВРЎЗИНИНГ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАНИМ!



Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг энг қадимий Наврўз (Янги кун) яъни янги йил байрами жуда узоқ тарихга эга. Бу тўғрида аллома Абу Райҳон Берунийнинг «Тушунтириш», «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» сингари китобларида маълумотлар берилган. Шунингдек, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону лугатит-турк», Умар Хайёмнинг «Наврўзнама» асарларида ҳам қимматбаҳо маълумотлар мавжуд. Кўеънинг ҳамал буржида кириши, кеча билан кундўзнинг тенг-баробар бўлиши йил боши ҳисобланган, шу кундан фарвардин моҳ, яъни фарвардин ойи бошланиб, кундузи узая боради. Бу даврни Кичик Наврўз дея аташган. Байрамнинг олтинчи кунидан бошлаб Катта Наврўз бўлиб, кундузи узая бошлашдан борлиқ табиатда жонланиш пайдо бўлади.

Бошқа халқлар қатори ўзбеклар диёрида ҳам қадим замонлардан бери Наврўзни янги йилнинг бошланиши деб билганлар. Наврўз бошланишидан 15-20 кун илгари бугдой ундлари бошланган, кейин унинг майсасидан байрам кунлари сумалак қилинган, бугдой ёрмасидан эса ҳалим пиширганлар. Шу қатори байрамда кўкат чучвараси, ялпиз сомса, кўк шўрвалар ҳам тайёрланган. Наврўз фақат янги йил байрамитина бўлиб қолмай, аввало

навбатдаги янги йил ишларига киришганлар. Энг аввало, пойтахтни оқар сув билан тазминловчи Бўзсув ва унинг йирик тармоқлари — Салор, Кайковус, Зол ариқларидан келадиган майда сув йўлларини тозалашган, кейин эса дов-дарахтларга шакл бериш, кўчатлар экиш, янги бог-роғлар яратиш кабилар билан машғул бўлганлар. Бундай ишлар ҳозирги кунда ҳам шахримиздаги барча маҳаллаларда давом этмоқда. Булардан кўриниб турибдики, баҳор келинчаги Наврўз кунчақар томондан йўлга чиқиб бир неча мамлакатларни оралаб, юртимизга келаркан. Қорлар эриб, бойчечаклар келинчақ йўлга поёндоз бўлишга шошиларкан. Байрам арафаларида шахримизнинг Кўкча, Чилонзор, Юнусобод оқтепаларида, шунингдек, Чоштепа, Фозилтепа, Олтин тепа ҳамда Улкан ва Кичик тўйтепаларда қадим Наврўз тонготарида карнай, сурнай, ноғоралар садоси янграб, байрам бошланишидан дарак берилган. Пойтахтта туташ қишлоқлар кўрғонларида аҳолига наҳор оши, ҳалим, сумалаклар тортилган. Бундай шодиёналар то апрель бошигача бўлиб турган. Сайиғоҳ ва истироҳат боғларида турли ўйинлар, курашлар, дорбозлик, қизқичлик, аския кечалари бўлиб, шаҳар, қишлоқларимиз аҳли ва меҳмонларига оромбахш этганлар...

ТАРИХИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Қуръони каримда «Бурж» сура-си бор. Унда айтилишича, ўн икки шамсий ой ўн икки бурж билан белгиланган... Кўеъ баҳорги тенг кунликда ҳамал буржида бўлади. Йилнинг бириччи март кунинда Кўеълари Ер кўзига тик тушади ва бу вақтда кеча билан кундўз узунлиги ҳар иккала ярим шарда ҳам бир хил бўлади. Уша кундан бошлаб, кўеъ шимолий ярим шардан шарқий томонга ўтган бўлади. Ана шу ўтиш — Наврўз деб белгиланади.

Бундан беш минг йил муқаддам мисрликлар Сириус юлдузи фарба ботиб, шарқ томонда бириччи бор кўринишини — Янги йилнинг бошланиши сифатида қабул қилишган.

Кўкчадан келди эрса, келди бўлди Наврўзи. — деб ёзганди бир шеърда шоир, муаррих, қиссанавис Носириддин Рабўзӣй — кун (Офтоб)нинг ҳамалга кириши — Йил-боши-Наврўз, салкам беш минг йил

Наврўз муқомаси

ХУШ АЙЁМЛАР МУБОРАК

Муҳаббатли бу оқшомлар муборак бўлсин, эй кўнгил, Яна сенга хуш айёмлар муборак бўлсин, эй кўнгил.

Яна гулдан назар келди, гўзал бир хушхабар келди, Бинафша бўйли пайғомлар муборак бўлсин, эй кўнгил.

Йигитлик бир келар отдир, Баҳор ҳам бир муқофотдир, Тирикликдан бу инъомлар муборак бўлсин, эй кўнгил.

Изингни юзларидан кўр, ўзингни кўзларидан кўр, Бу раънолар, дилоромлар муборак бўлсин, эй кўнгил.

Очиб дилбарлигин дилбар, кўшиб дилдорлигин дилдор, Сенга бундоқ гулдонлар муборак бўлсин, эй кўнгил.

Сенинг холингни танг солмиш, тушиб бўйинга чанг солмиш, Яна ёр зулфидин домлар муборак бўлсин, эй кўнгил.

Бу — кўнгил бирла гул васли, Бу — дил фасли, кўнгил фасли, Бу дилбар лоладин жомлар муборак бўлсин, эй кўнгил.

Тўлиб кўксимга сигмайсан, келиб бўғзимга сигмайсан, Яна кўнгил деган номлар муборак бўлсин, эй кўнгил.

ЁШЛИК, БАҲОР, МУҲАББАТ

Асрлар бор — рўёдай, Фасллар бор — муваққат. Доим зангор дарёдай Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Учиримда уч саҳарим, Уч гўзал хуш саҳарим, Менинг уч хушхабарим Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Соғинчлари қанотли,



Ёмғирлари но-вотли, Армонлари ҳам тотли, Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Айтсам дилда зоримдан Гуллар унгай қориндан. Нишон йўғу боримдан Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Сен, эй синглим, сен оғам, Ўтгай алам, Утгай гам, Оламда энг олий дам, Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Мангу карвон тириклик, Дарду ҳижрон тириклик, Наҳор, инсон, тириклик? Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Бўйи баста гул Ватан, Бош-оёқ кўнгил Ватан, Отин сўрсанг, бул Ватан — Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

Дунё арчаси ёлгон, Қанча-қанчаси ёлгон, Шудир ёдимада қолган: Ёшлик. Баҳор. Муҳаббат.

АСАЛ ҚИЗИМ НИГИНА

Баҳор келар шивир-шивир, Нигинжон, Майсалар ҳам живир-живир, Нигинжон.

Мажнунтолнинг сочлари чилвир-чилвир, Мен шеър ёзай чилвир-чилвир, Нигинжон.

Соғинчларим гуллар очар боғларда, Ёмғирларим биқир-биқир, Нигинжон. Саҳарданоқ ўйноқлаган жилғамсан, Тириклигим қиқир қиқир, Нигинжон.

Тушларингда жилмаясан нурланиб, Болишларинг гимир-гимир, Нигинжон.

Кечалари куртак ёзар, барг ёзар, Қаламларим шитир-шитир, Нигинжон.

Меҳр билан жимирлаган ҳаётим, Жону дилим жимир-жимир, Нигинжон.

Умр бўйи менинг кетмас баҳорим, Қалдирғочим вижир-вижир, Нигинжон. Сирожиддин САЙИД

ҚАДАМИНГ ХУШ КЕЛСИН НАВРЎЗ!

Одатда тўй бўладиган уй-ҳовли келин тушмасидан икки-уч ҳафта бурун саранжом-саринга қилиниб, хоналарга сеп, яъни мол ёйилади: лераза, эшикдан тортиб деворларгача безатилади. Шунга ўхшаш юртимизда фаслар келинчаги — Наврўз-ойни зўр шодиёналар билан кутиб олиш учун шаҳар ва қишлоқларимизда кетма-кет халқ ҳашарлари бўлиб, гўё келин тушадиган хонадондек ҳаммаёқ озода-обод қилиб қўйилади. Бонси, бутун қиш бўйи Наврўз кунини барча соғинганидан интиқ бўлиб кутлади...

Меҳнат байрами ҳисобланган: деҳқончилик, боғдорчилик ишлари ҳамда чорвачиликда эса чорваларни ўтлоқларга олиб бориш кабилар байрами ҳам бўлган.

Энди юртимиз пойтахти Тошкентда Наврўз байрами қандай нишонланиб келганлигини эслатиб ўтайлик. Бундан бир неча асрлар илгари шахримизнинг Кўкча ҳақасида осмонни фалакни кузатиш чиланхонаси қурилган. Бу чиланхонага Оқилон маҳалласида яшовчи билимдон оқиллар навбати билан келишиб, иншоотнинг баланд мўрисиغا тикилишиб, юлдузлар ҳаракатини кузатиб борганлар. Улар даҳшатли совуқ қиш ва ёзги чилла кунларини илмий жиҳатдан аниқлаб, атрофдаги аҳолига маълум қилиб турганлар. Айниқса, совуқ қиш чилласи туташ вақтини одамлар сабрсизлик билан кутишарди. Кузатувчи оқиллар чилла тутганини хабарини ва яна ҳар эҳтимолга қарши ўн кун кутиш зарурлигини аниқлаб, хабар берганларидан кейингина одамлар аста-секин

Мана, ҳозир юртимизда мустақиллигимизнинг ўн тўртинчи йили. Мустақиллик тўғрисидаги улкан орузниятларимиз амалга ошган даврда яшаймиш. Бу — халқимиз учун энг олий бахт. Истиқлолимизнинг дастлабки давридаёқ Юрғобимиз сай-ҳаракати билан Наврўз кунини дам олиш ва байрам кунини деб эълон қилинган. Республикамызда, шу жумладан пойтахт шахримизда Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган етим-есирлар, қаровчиси бўлмаган қариялар, ноғиронлар, оғир дардга чалинган беморларга алоҳида эътибор берилганди. Айниқса, ҳозирги сиҳат-саломатлик йилмизда барчанинг соғлигини асраш ишларига жиддий қаралмоқда. Янги-янги шифохоналар, сиҳатгоҳлар қурилиб, ишга туширилмоқда. Шаҳримиздаги барча маҳаллаларда Наврўз шарофати билан ободончилик ишлари поёнига етказилиб, байрам қилиш ва ошлар тортилмоқда куй-қўшиқлар янграмоқда.

Олим ҚўЧҚОРБЕКОВ Шаҳризода МУҲСИМОВА

УМИД ОСТОНАСИ

Сиз кумри қушнинг «ку-ку»лашидан уйғониб кетдингиз. Аммо хаёлингизда ҳали қиш аёзининг хотираси ястаниб ётгани учун бу «ку-ку»лаши оддийгина қуш товушидай қабул қилдингиз. Деразанигизга нур кўларинда турфа шакарлар чизаётган офтобга ҳам битта «ярқ» этади-ю, ўтиб кетади, деган тасаввур дарчасидан қараясиз. Иссиқ ёпинғиниғизга ўраласиз. Сизнинг назарингизда, қўчадаги одамлар юзида қишнинг тунд саси акеланади, ҳеч ким бир-бирига қарамайди, ҳамма ўзининг тирикчилик оламида гир-гир айланади...

Улар басма-басига қайти айтадилар. Кайвонилар қўлларига тутқазган ширинликларни оларкан, шўхроқ сўзамолроқларни:

— Моможон, рўмолингизнинг учини сечинг, бобом берган шилдироқ пуллардан чиқаринг, — дея ҳазил ҳам қилишади. Бегубор кулги кўтарилди, ҳа, Наврўзнинг келгани — шу. Далалар, йўллар, боғлар, анҳорлардан губор кўтарилди. Кўнгиллардан ҳам.

Анҳорларда кумушдай жаранглаб оқаётган тиниқ сув, йўл ёқаларида унган ялпиз майсалар, дарахт шохларига тизилётган куртлар ҳам уйғона бошлайди. Сиз кўзингизнинг қири билан бир нафасгина

осмонларни кузатинг. Осмон варрақларга тўлиб кетган. Улар оддийгина қанотли қоғозлар эмас. Болаларнинг баландликка, юксакликка интилган юракларининг суврати. Яна бир зум кўчага қўлоқ тутинг. Тол пўстлоғидан най ясаб, турли оҳанглари чалаётган болалар нағмаларини эшитасиз. Бу ҳам шунчаки овоз эмас. Улар кўнглида уйғонган сурур овози бу.

Аёлларнинг қалам олишларига бир кур эътибор қилсангиз эди... Кими бир кафт, кими бир этак бугдойни тахтага битта-битта-бита ёйиб, бармоқлари орасидан сув сеппиб, мўъжиза юз беришини кутмоқда. Ахир, бугдойни ёриб яшил ниш униши чиндан ҳам мўъжиза эмасми?

УМИД ОСТОНАСИ

Келинг, сиз ҳам вазмин ҳаёлларни бир силкитиб ташлаб ўрнингиздан туринг. Ҳалемай, узоқларда гуриллаб олов ёнади. Кайвон оймилар ўтганлар руҳига бир калима тиловат бахш этиб, сумалак қозонларда чалпақ пиширадилар. Сўнг кампирлар уйнайди, сумалак тошлар қўшиқ қулайди. Қаҳрабо рангда қайнаётган дошқорлар атрофида ой кунлари яқин келинчақлар, фарзанд талаб аёлларни айлантириб олиб ўтишади.

«Эсон-омон қутулинг», «Аллоҳ ниятингизни берсин» дея дуо қилишади. Наврўз бу — қорни ёриб қиҳсада шовқин-сурун солмаган, масъум қизалоқ каби уятчан эгилган бойчечаклар... Наврўз

УМИД ОСТОНАСИ

бу — булбулнинг кўзидай бугдой донасини ёриб ўсган яшил қиёқ... Наврўз — бу — сумалак тошлар қўшиғи. Йўқ, ҳаммасидан аввал ер бағрини юмшатиб, умид уруғини экаётган деҳқон тилидаги дуо, қалбидидаги илтижо...

Бу гўзал сувратлар сиздан олсми? Асло. Қанчалар яқин борсангиз, кўзингизга шунча иссиқ босилади.

Дунё нечоғлиқ гўзал, яшаш қанчалар иштиёқли, одамларнинг чехраси бунча иссиқ дейсиз. Менга ишонинг. Албатта, шундай дейсиз, фақат хонангиздан чиқинг. Кўксингизни тўлдириб-тўлдириб нафас олинг. Келаётган яшил умид остонаси Наврўз боқий қадрият эканлиги, сиз эса унинг бағрида омонат жон эканлигини унутманг. Яшил умидга хаёлан лабларингизни босиб: хуш келибсан, Наврўзи айём денгу унинг бир парчасига айланинг, азиз дўстим.

Кўтлибека РАҲИМБОЕВА

Пойтахтимизни обод этиш, кўкаламзорлаштириш, гулу-чаманзорга бурқашада муносиб хиссасини қўшаётган «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» очик акциядорлик жамияти борбон ва гулчиларнинг бугун кўли-қўлига тегмайди. Киш фаслида ҳам мафтункор баҳор таровати ҳис этиб меҳнат қилган жамоа ахли шахримиз чиройи учун пухта замин ҳозирлашди.

Қўқламга кўркамлик ярашади Гўзаллик Улашишмоқда

Фасли баҳор ҳақиқатдан ҳам гўзал, жозибаси ўзига яраша. Айниқса, мана шу фаслда кириб келадики, дилларимизни завқ-шавққа тўлдирадиган Наврўзи оламнинг таровати барчани яратишга, яшнатишга, меҳр-оқибатга ундайди.

Кўқламини ўз меҳнатлари билан кўркам этишга хисса қўшаётган жамоанинг 400 нафардан зиёд ишчи-хизматчилари жорий йил учун 10 минг туп игна баргли, 100 минг туп манзарали, 15 минг туп мевали дарахт ниҳолларини етиштиришди. Шунингдек, 150 минг туп бутасимон қўчатлар ҳам бирутмачиларга етказиб берилди.

— Шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари қизгин давом этаётган айни кунларда, — дейди акциядорлик жамияти раиси Абдулазиз Мухромов, — борбонларимиз меҳнати самарасидан

шаҳримиз кўча ва хиёбанлари, маҳаллалари, қорхона ва ташкилотлар ён-атрофи чиройини очтишдан, янги-янги бог-роғлар бунёд этилишидан беҳад миннатдоримиз. Бежизга «Гул — ерининг кўрки» дейишмайди. Ҳақиқатан ҳам гул экилган кўчалар яшнайдиган, гўзалликка бўлмади. Шунингдек, 150 минг туп бутасимон қўчатлар ҳам бирутмачиларга етказиб берилди.

Жамоа ахли меҳр-оқибат байрами арафасида пойтахтимиздаги ноғиронлар уйларида ҳам сазоват кўрсатишни дилларига туғишган. Ҳар фасли баҳор бўлган табиат шайдолири ҳам-шаҳарларимизга нафақат қўқламда, балки йил бўйи гўзаллик улашишга интилиш-тириш гулчилари ўтган йилгидан 1 миллион дона кўп, яъни 3,5

**Халқаро “Наврўз”
хайрия жамғармасининг
Тошкент шаҳар бўлими жамоаси
ҳамшаҳарларимизни гўзаллик,
нафосат ва янгилиниш
рамзи бўлмиш Наврўзи олам
билан муборақбод этади.**

*Наврўз ҳар бир хонадонга
қувонч ва қут-барака
олиб келсин!*




«Камолот» ЁИХ
«ЯНГИ АСР АВЛОДИ»
нашриёт-матбаа маркази



*Азиз юртдошлар! Уйғониш, яшариш, янгилиниш, нафосат ва
эзгулик байрами Наврўзи олам барчангизга муборақ бўлсин!
Сизларга тинчлик ва омонлик дастурхонингизга тўқинлик,
фараҳбахш ва саодатли кунларни тилаб қоламиз!*

*«Янги аср авлоди» нашриёти ёшларимизнинг маънавий дунёсини
бойитиш йўлида адабий-баддий, илмий-оммабоп қитоблар нашр
этишда доимо хизматингизга ҳозир.*



UzbekLeasing

International AO

Азиз юртиндошлар!

Ораси навбахорнинг янги кунни

Наврўзи олам кўтлуг бўлсин!

Сахий кўёш ҳатиша бошимиз узра нур соғиб,

келажакимиз норлок, истикболимиз


ёрқин ва нурадшон бўлиб, доимо қалбларимиз

севинга тўлсин! Барганизнинг

хонадонингизга барака,

тинчлик-омонлик тилаб,

ЎЗБЕКЛИЗИНГИНТЕРНЕЙШНЛ
халқаро лизинг компанияси



"Ташаббус-2005"

ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Маълумки, ҳар йили юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар ва хунармандларнинг "Ташаббус" кўрик-танловини ўтказиб бориш анъана тусига айланган. Яхши тадбиркор ва хунармандларни излаб топиш, тадбиркорлик фаолиятини оммалаштириш, тадбиркорлар касб малакасини ошириш, экспортга йўналтирилган ва хориждан келтириладиган маҳсулотлар ва хизматлар ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадидаги "Ташаббус-2005" танловининг туман босқичлари бошланиб кетди.

Йўнгалларга атрофлича тушунтириб беришди.
— "Ташаббус-2005" кўрик-танловида қатнашишдан асосий мақсад ўз маҳсулотимизни элга танитиш ҳамда бошқа тадбиркорлар иши билан ҳам яқиндан танишишдир, — дейди жумладан "Сағбон-нон" акциядорлик жамияти технологи Хосият Азизова. —

Тажриба алмашиш, бошқа корхоналар фаолияти билан яқиндан танишишнинг албатта ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсири катта деб ўйлайман.

— Биласизми, ушбу танловда ҳар йили иштирок этиб, яхши ўринларни эгаллаб келмокдамыз, — дейди "Орзу ош тузи" шўба корхонаси ходими Гулчехра Сағдуллаева — "Ташаббус" бизни ҳар йил янгича ташаббусда меҳнат қилишга ундайди. Мақсад танловда ўрин олиш эмас, балки тажриба алмашишдир.

Танловда хунармандларимиз томонидан яратилган буюмлар ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Айниқса хунарманд Бахтиёр Турдиев ва шогирдлари яратган ёнғоқ дарахтидан стол-стуллар ўзининг бежирим кўриниши, моҳирона ишлангани билан бошқалардан ажралиб турди. Шунингдек, ёш хунарманд Файзуллахўжа Юсуфхўжаевнинг ёғоч ўймакорлиги

асосида ишланган асарлари кўпнинг эътиборини қозонди.

Танлов сўнггида голиблар аниқланди. Жумладан, "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича 1-ўрин "Олмос-текс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Садриддин Исмоиловга насиб этди.

Ушбу номинациялар бўйича 2-3-ўринларга "Еш футболчи" фирмаси раҳбари Насибулла Абдуллаев ва "Орзу ош тузи" шўба корхонаси раҳбари Абдул Раҳим Мир Аҳмедлар муносиб деб топилди.

Танловнинг "Энг яхши хунарманд" номинацияси бўйича 1-ўринни эса ёғоч ўймакорлик устаси Файзуллахўжа Юсуфхўжаев эгаллади. Шунингдек, "Энг ёш хунарманд" ва "Энг ёш тадбиркор" номинацияларига Муроджон Қодиров (лоқ миниатюраси) ҳамда Сайфулла Абдуллаев "Махсус либос" МЧЖ раҳбари муносиб деб топилди ва уларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

ОРЗУГҲУ РАСТАМОВА
СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар




«Маҳкам-Ойниса» хусусий реабилитация маркази



*Ҳамюртларимизни утробқий
Наврӯз айёми билан сатимий қутлайди.
Баҳор байрати хонадонларимизга фойз,
қут-барақа, шодқиялик
ва фаровонлик олиб келсин.
Ҳар биримизга сўхат-саломатлик,
бахт-омад ёр бўлсин!*



«Маҳкам-Ойниса» хусусий
реабилитация маркази - 65-38-17



Ўзбекистонда 1950-70 йилларда телекўрсатувларни пойтахтимиз ва Тошкент вилоятининг узоқ тоғли туманларига етказиб берадиган баланд минорали телемарказга эҳтиёж туғилган ва уни қуриш учун тайёргарлик ишлари бошланиб, 1971 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистон Алоқа вазирилиги тасарруфида "Тошкент радиотелевизион узатиш маркази қурилиши дирекцияси" ташкил қилинади ва бир неча йил давомида лойиҳа устида иш олиб борилади. Телеминора қурилиши учун Бўзсўв каналининг ўнг қирғоғидан 6 гектар ер ажратилади. Ниҳоят, 1978 йилнинг апрель ойида қурилиш ишлари бошланади. Қурилиш дирекцияси бош пудратчи этиб "Тошкент бошқурилиш" га қарашли "11-Баланд уйлар қуриш" трестини танлайди ва у билан шартнома тузилади. Қурилиш бошланишидан то охиригача, масъулиятли мутахассис Павел Саркисов трест раҳбари бўлиб ишлади. Бунёдкорлик ишларига юқори савияли, катта тажрибага эга ишчи ва монтажчилар таклиф қилинди.

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Қурилиш тамом бўлишига яқин технологик ускуналар олина бошланган. 1984 йилнинг январида телеминорадан фойдаланадиган ташкилот — Тошкент радиотелевизион узатиш маркази ташкил этилиб, ходимлар қабул қилина бошланди. 1985 йилнинг 15 январида телеминора расмий равишда ишга туширилди. Бу кун мамлакатимиз ҳаётида энг қувончли кунлардан бири бўлиб тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди ва байрамона руҳда нишонланди.

Телеминора ишга тушганидан сўнг 2000 йиллик тарихга эга бўлган пойтахтимиз ижтимоий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисига 5 та телекўрсатув ва 4 та радиозиттириш дастурлари юқори сифатда узатила бошланди.

Кўп ўтмай Тошкент телеминораси Останкино ва Эйфел миноралари тақдими билан, Бутунжаҳон буюк миноралари жамяти (БМЖ)да ўз ўрнини эгаллади. Телеминоранинг БМЖ таркибига киргани катта маънавий ва амалий аҳамият касб этиб, бизга дунё миқёсида қурилган ва қурилаётган миноралар ва уларнинг фаолияти ҳақида бевосита бохабар бўлиш ҳамда уларга юртимизни танитиш имконини берди. БМЖ 1989 йили тузилган бўлиб, унинг қароргоҳи Австралиянинг Сидней шаҳрида 2000 йилдан эса, Мелбурн шаҳрида жойлашган. Ҳозирги вақтда Бутунжаҳон буюк миноралар жамятининг 15 мамлакатда 22 та аъзоси бор.

1999 йили Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан "Тошкент телеминорасининг радиоузатиш мажмуасини замонавийлаштириш лойиҳаси" тасдиқланди. Унга кўра тендер эълон қилиниб, Япониянинг "ITOCNU" корпорацияси ғолиб деб топилди ва янги ускуналарни келтириш бўйича шартнома имзоланди. 2000 йил "Toshiba" рўсумидаги иккита ТВ узатгич ишга туширилди. Ўтган 2004 йилнинг ўрталарига келиб эса "Toshiba" рўсумидаги олти та "BTESA" (Испания) компанияси-

нинг тўртта FM узатгичлари тўлиқ ўрнатилди. Ушбу ишларни амалга оширишда цех мутахассислари смена бошлиқлари Р.Турсунов, П.Голдварг, муҳандис Э.Аваков. Илҳом Мирсодиқов ва электр-механик В.Денискинлар фаол иштирок этдилар.

— Тошкент телеминораси муҳим ва мураккаб, шунинг баробарида ҳамма-

иншоот, балки пойтахтимиз кўрқига кўрк қўшиб турган архитектура дурдонасидир. Швейцариянинг дунёга машҳур "Shindler" фирмасида ишлаб чиқарилган тезуорат учта лифт сониясига 4 метр баландликка кўтарилган ҳам сирли тилсимотга ўхшайди.

100-110 метр баландликда жойлашган "Коинот" ресторанининг "Мовий" ва "Алвон" заллари ҳар бир кир-

Шахрим — фахрим ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИНИНГ ТАРИХИ ВА БУГУНИ

Шахримизда осмон билан бўйлашган маҳобатли, кўркам, фусункор шундай бир қошона қад ростлаб ёнтрофга улғуворлик бахш этиб турибдики, унга ҳамма бирдай ҳайратланиб қарайди. Бу Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган 375 метрли Тошкент телеминорасидир. Жорий йилда телеминоранинг фойдаланишга топширилганига 20 йил тўлди. Шу муносабат билан бугунги мўъжазгина мақоламизни Тошкент телеминорасининг тарихи ва бугунги кунига бағишладик.



нинг диққат-этиборида бўлган стратегик объект ҳисобланади дейди. — Тошкент радиотелевизион узатиш маркази бошлиғи Маҳаммаднорм Отамухамедов. — Марказда барча зарурий махсус кийим-кечаклар, асбоб-анжом ва ўқув қуроллари мавжуд бўлиб, ходимлар ўртасида тушунтириш ишлари ва ўқув йиғинлари тез-тез ташкиллаштирилиб турилади. Ўтган йили "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши рационализаторлик таклифи" танловида хорхона мутахассислари биринчи ўринни кўлга киритишди. Тошкент радиотелевизион узатиш марказида амалга оширилаётган ва бажарилаётган ишларда бевосита Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг кўмагини ҳамда телеминорада меҳнат қилаётган ҳар бир ходимнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. 100 метр баландликда жойлашган "Коинот" ресторани заллари шаҳарликлар ва меҳмонлар учун яна бир ҳордик чикарадиган муҳташам маскандир. Айтаверсак телеминоранинг сифатлари ва қулайликлари кўп... Биз эса ана шундай улғу даргоҳда меҳнат қилаётганимиздан, халқимизга нафимиз тегаётганидан хурсандимиз.

СИРЛИ САМОГА САЙР

Дарҳақиқат, бугунги кунда Тошкент телеминораси нафақат техник

ган кишида ажиб бир хушқайфият уйғотади. "Коинот"нинг "Алвон" залида Европа таомлари, "Мовий" залида эса, миллий таомлар тайёрланади.

120 кишилиқ ўринлар мавжуд бу жойга, кўпгина мартабали инсонлар ташриф буюрган. Хусусан, биринчи космонавт аёл Валентина Терешкова, космонавт Владимир Жоннибековлар шулар жумласига киради.

Мазкур ресторанда 20 нафар малакали ходимлар ишлайди. Жорий йилда "Алвон" зали қайта тазмирланиб, янги ўриндиклар қўйилди, иссиқ ва совуқ ҳаво билан тазминланди.

ДУНЁДА ЯГОНА

Телеминора фойсига кираверишда БМЖга бағишланган музей ташкил қилинган. Мазкур музейда Канаданинг 553 метрли Торонто, Россиянинг 540 метрли Останкино, Хитойнинг 468 метрли Шанхай, АҚШнинг 444 метрли Чикаго, Германиянинг 368 метрли Берлин, Малайзиянинг 421 метрли Куала Лумпур, Япониянинг 250 метрли Токио жами дунё мамлакатларининг 22 минорасининг макети ва уларга тегишли маълумотлар ташриф буюрувчилар эътиборига ҳавола этилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, телеминорада ташкил қилинган ушбу музей Бутунжаҳон буюк миноралар жамяти (БМЖ)га аъзо мамлакатлар миноралари ичида ягонадир. Макетлар Тошкент лойиҳалаш институти архитектор-макетчиси

Х.Назарқулов томонидан тайёрланган. Бугунги кунда ушбу минораларнинг металлдан қилинган макетларини тайёрлаш устида иш кетмоқда. Улардан бештаси ясаб бўлинди, қолган 17 тасининг жорий йилнинг охиригача битказилиши режалаштирилган. Яқинда Англиянинг Блэкберн шаҳрида бўлиб ўтган БМЖнинг 2004 йил якунларига бағишланган йиғилишида Тошкент телеминораси ва унинг музейи ҳақида 15 дақиқалик фильм намойиш этилди. Фильм иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Хорижлик журналистлар телеминорамиз ҳақида мақола ёзиш учун керакли маълумотларни олишган. Шунингдек, қизиқувчилар учун Тошкент телеминорасининг интернетда www.tvtower.uz сайти ҳам мавжуд.

НОЁБ ДУРДОНА

Айни пайтда телеминорага кириш учун янги, икки қаватли бино мажмуаси қурилиб, пардозлаш, электротехника ва сантехника ишлари давом эттириляпти. Ушбу биони тиклашдан мақсад эса сайёҳлар учун юқори даражада қулайлик яратишдан иборатдир.

Телеминора доимо сайёҳлар билан гавжум. Осмон қадар баландликка чиқиб, гўзал шахримиз манзараларини томоша қилиш, ундан завқланиш ҳар қандай кишининг баҳри дилини очиб юборади. Ўзим ҳам ушбу маскани сайр қилиш баробарида, нега илгарироқ шу ерни келиб кўрмаганман-а? деган фикрга келдим. Ахир бу маскан тафаккуримизни бойитиб, кўнгилга оромбахш сокинлик бахш этади-ку. Зеро, инсон доимо гўзалликка интилади, сирли ва сеҳрли кўринган ҳар қандай нарсадан бохабар бўлишга қизиқади.

Бугунги кунда Тошкент телеминораси нафақат техник иншоот, балки шахримиз кўрқига кўркамлик ва улғуворлик қўшиб турган ноёб архитектура дурдонасидир.

Тошкент телеминораси раҳбаридан тортиб то оддий хизматчисигача ҳаммасининг кўнглида, кўзида доимий зийраклик, тийраклик учкунлари порлаб туради. Ахир республикамиз кўрқи ҳисобланган бу қошонада ишлаш учун катта масъулият, билим ва маҳорат талаб этилади. Биз мақоламизда илоҳи борича телеминора ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилдик, бироқ, хали айтилмаган гаплар, изҳорини топмаган фикрлар ва кўпгина маълумотлар дилчимизда қолди. Чунки бу улкан иншоот ҳақида бундан кейин ҳам мақолалар бериб борамиз. Газетхонлар эса қизиқарли маълумотлардан йил давомида воқиф бўлиб боришади. Агар, сирли самога сайр қилишни истасангиз телеминорага ташриф қилинг, бундан сира афсусланмайсиз.

Зеро, бу улкан қошона инсонлар ҳаётининг сермаъно ўтишида муҳим аҳамият касб этади. Биз мақоламиз охирида Тошкент телеминорасининг



20 йиллиги муносабати билан, унда ишлаётган барча ходимларга омадлар тилаб қоламиз.

Гулҷехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: Тошкент телеминорасидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар.




Азиз ҳамюртларимиз
ва пойтахтимиз меҳмонларини
умрбоқий байрам — Наврўз билан
муборакбод этамиз.

Ҳамиша юртимизда тинчлик,
хонадонларимизда қут-барака бўлсин.



**“12-AVTOBUS SAROYI”
aksiyadorlik jamiyati**



Халқаро **“Олтин мерос”** жамғармасининг
Тошкент шаҳар бўлими жамоаси
ҳамшаҳарларимизни яшариш, янгилашни,
гўзаллик ва нафосат рамзи бўлмиш
Наврўз айёми билан қутлайди.
Сиҳат-саломатлик йилида Наврўзи олам ҳар
биримизга омонлик, бахт-саодат,
хонадонимизга тинчлик-
осойишталик, файзу барака,
олам-олам қувонч олиб келсин!

Наврўз аскияси

**ГУЛМИСИЗ,
РАЙҲОНМИСИЗ?**

Абулқосим ака Убайдуллага. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Уйқудан қолиб, оғзингизни карнай оғзидек очаётган «карнайгулмисиз»?

Убайдулла ака. Сиз ҳам гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Шу кунларда бирон нарсадан хафароқ кўришни қолиб, муомалангиз яхши бўлмай қолди, ё «сассик» алафмисиз?

Абулқосим ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз? Хали у деб, хали бу деб менга маломат қилишингиздан гулларнинг ичида «Беор»-мисиз?

Убайдулла ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Ўн беш кунлик ойдайн бўлиб кўринганингизда, ноз қилиб «Гулим»-ни қўлимда қолдирганингиз?

Абулқосим ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Мана шу кунларда, на аёлларга совғага ярайсиз, на хушбўй хидингиз бор, бундан олдин ҳам «тувак»ка тушганингиз-а?

Убайдулла ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Тунов кун «гул сайри»га бориб улфатларингиз билан кайф қилибсиз. Тунда уйизни ҳам тополмай қолибсиз, чиқиндилар ичида сизни уйғотишса, кириб «бўстон»-ни кездим, деганингиз?

Абулқосим ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Ўзингизни гулларнинг ичида сарасиман деб кўрсатиб, харидор олганда «ясама»-лигингиз биланиб қолиб, ҳеч қизарганингиз?

Абулқосим ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Байрамингизда сизга «гул» совға қилганимда қўлимга тикони кирди-я деб, менга фиरोқ қилганингиз?

Убайдулла ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Мен ҳалол ишчиман дейсиз. Қачон қарасам бозордасиз. Утган-кетган йигитларга қараб ялинганингиз ялинган «ол» гулимни ол, «кел» гулимни ол деб. А, лаббай.

Абулқосим ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Тунов кун, сизни соғиниб, уйингизга борсам, йўқсиз, уйингиздагилардан сўрасам, «бой-чечаким» бойланди деб, кетган экансиз. «От-қулоқ» шу гапингиз тўрими-а?

Убайдулла ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Сиз янглишиб бошқа одамнинг уйига борибсиз, ака. Мен уйда эдим. «Гул» кўчатиингизнинг тагини «гўн»лаётган эдим.

Абулқосим ака. Гулмисиз, райхонмисиз, жамбулмисиз?

— Айтганингизман. Кўчатни парвариш қилиш керак тўғри. Ё менга «шам» қиялсизми «тувагингизга» тўмаганимга. Фахмлагандурсиз-а?

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

● Машҳур математиклардан бири Давид Гильбертнинг уйига улфатлар йиғилишади. Унинг хотини Фрау Гильберт эрининг дазмолланмаган кўйлак кийиб олганини кўриб, дарров пасти хонага тушиб дазмолланган кўйлак кийиб олишини буюради. Давид итоаткорона пасти хонага тушади, лекин қайтиб чиқмайди. Орадан 10-15 дақиқа ўтган бўлса ҳам ундан дарак йўқ эмиш. Хотини ундан хабар олиш учун пастига тушиб қараса эри ўринга кириб ухлаб ётган эмиш.

Кейин аниқланишича, у ўрин тепасида аввал нимчасини, сўнгра буйинбоғини ва кўйлагини ечгандан кейин ётиш вақти бўлган хаёлида ўрнига кириб ухлаб қолган экан.

● Немис олими Норберт Винер талабаларидан бири почта бўлимига кирди. Қараса олим стулда ўтириб олиб ол-

дидаги бир варақ қоғозга текилиб, ниманидир ўйлаб хаёлга чўмиб турганмиш. Талаба устозининг юзидан сезилиб тур-

шонасига бир уриб деди. «Винер! Дарвоқе, менга шу сўз керак эди».

Маълум бўлишича, олим қоғозга

Шунақаси ҳам бўлади

ПАРИШОНХОТИРЛИК

Айрим машҳур олимларнинг ҳаёти латифаларга бой. Улар ҳақида қизиқ маълумотлар бор. Шулардан бири уларда бўлган паришонхотирликдир. Мана бир неча мисол.

ган оғир қалб изтиробига ачиниб кетди. Шу пайт Винер ўрнидан туриб, қоғозни улоқтириб ташладида, талабаси томон кела бошлади. Талаба уни қарши олиб: «Салом профессор Винер» деди. Винер тўхтаб қўларини катта очиб пе-

ёзишда ўз исмининг нима эканини унутиб қўйган экан.

● Бир кун самолётсозликнинг отаси профессор Н.Жуковский уйига талабаларни чақиради. Улар билан узок суҳбатлашгач хаёлан ўзини мезбон

бўлсин, синглим! Бугун жуда очилиб кетибсиз-ку!?

— Бугун ҳамма ёқда гуллар атри анқийдиган кун, манави бинафшани кўкрак чўнтакчангизга қадаб олинг, ака!—дея Наврўзхон даста би-

шахмат ишқибози Муроджон.

— Кўйинг, лоқал, байрам кунни донга сурмай, тоғ сайрига чиқайлик, — деб унга нозули гап қилди Бекмирза.

— Розиман, унда бугунги ўйин !!, яъни дуранг. Қолган

Аскар полвон ими-жимидла шашадаги арақнинг қолганини пиёлага қуяётганида уйга хотини кириб қолиб, зарда қилди:

— Шундай улуг айём кунки — Наврўзда уялмай-нетмай бир шишани бўшатдингизми, уят-е!

— Хой онаси, жириллама! Бу галги бўш шиша билан қоп тўлади.

— Тўлса нима бўлибди, осмон узалиб ерга тушадими? — Эсингдан чиқдими, бултур бир қоп шишани сотиб, жун жемпер олиб берганим, эндигидеги уялмай-нетмай бақлашқаларни бўшатиб йиғинг, дадаси!

— Хозир шиша сотиш ўрнига бақлашқа сотишяпти, энди бундан бўён манави шарбатлар тўлдирилган бақлашқаларни бўшатиб йиғинг, дадаси!

Омон ТҮЙЧИЕВ

**НАВРЎЗ
ХАНДАМАРИ**

нашани унга узатди.

— Э, э! Эсим курсин, тездан гул бозорига бориб келай, кейин сизни байрам билан табриклайман, Наврўзхон!

— Мен Гарри Каспаров бўлай, сиз Рустам Қосимжонов бўлинг, бугунги байрамда бир мазза қилиб шахмат ўйнайлик! — деди ашаддий

ўйин тоғ сайрида бўлади дўстим, — деб Муроджон ўрнидан турди. Ҳар эҳтимолга қарши иккимиз ҳам шахматни олайлик!

—Унда тоққа боришга наҳожат! Кўйинг-е, барибир сиздан чемпион чиқмайди! — деб Бекмирза ҳам ўрнидан турди, ундан кўра уйга кетдим, энди тоғ сайри уйда бўлади!

Касби техник бўлган Владимирнинг аjoyиб дастхати бор эди. Чиройли ёзишни ўргангунча роса қийналди ўзиям. Конструкторлик бюросининг ҳамма қизлари муҳим чизмаларни чиройлироқ чиздириб олиш учун Владимирнинг олдига югурдиларди.

Владимир чиройли ёзишни ўргангандан бошлаб, хаёлпараст бўлиб қолди. Унинг қалласида аjoyиб қисса ёки ҳеч бўлмаганда бирор ҳикоя ёзиш фикри туғилди.

Ҳамма тушликка чиқиб кетди. Хона жим-жит бўлиб қолди. Владимир эса ўз столи ортида ўтирарди. Олдида оппоқ қоғоз, қўлида қалам. Бошида ҳикоя мавзуси чарх урарди.

Владимир деразага бир зум ўйчан нигоҳ ташлади



КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов



ТИМСОҲДАН ЗҮРИ КЕЛДИ

Бир болакай менга латифа айтиб берди.

— Шукур ака, сизга театрлар ҳақида латифа айтиб берайми?

— Айт.

— Мирза, Вали, Шукур чўмилгани боришибди. Биринчи бўлиб сувга Мирза тушибди ва тез қайтиб чиқиб:

— Вой дод, сувда тимсоҳ бор экан, — дебди. Кейин сувга Вали қалла ташлабди. У ҳам сувдан тез чиқиб:

— Вой дод, чиндан ҳам сувда тимсоҳ бор экан, — дебди. Кейин сувга Шукур тушибди. Шу топда тимсоҳлар сувдан қочиб чиқиб:

— Вой дод, қочдик. Сувга бегемот тушди, — деб турли томонга югуриб қолишибди.

Шуқрулло ИСРОИЛОВ

**Эдуард КУДЯВЦЕВ
ЧИРОЙЛИ ДАСТХАТ**

Ҳажвия

ва ёза бошлади. «Таиса уйдан чиқа туриб, стол устида турган чироқни ўчирди ва охишта қатъиятсизлик билан қоронғуликда эшикни пайпаслаб қидира бошлади». У шу ерда ёзишдан тўхтади-да қалам учини тишлади.

«Жин урсин! — кўнглидан кечирди у. — Чиқмаяпти. Нима учун «охиста» бўлар экан. Қоронғуликда эшикни пайпаслаб қидириши ўз-ўзидан маълумку. Чиройли ҳарфлар. Лекин бу чизмачилик эмас адабиётку». У ёзганини гижимлади. Сўнг янгидан ёза бошлади. «Таиса уйдан чиқа туриб, стол устида турган чироқни ўчирди ва қоронғуликда эшикни қидиришга тушди».

Бу вариант ҳам ёқмади. «Бўтқа!» Бу ерда столнинг нима дахли бор. Чироқнинг стол устида туришини ҳар қандай тентак ҳам биладиқур. Чироқ стол устида турадими бошқа ердами — барибир эмасми? Яна қоронғулик. Модомики чироқ ўчирилган экан унда...

Владимир чизиб ташлаб шундай ёзди. «Таиса уйдан чиқа туриб чироқни ўчирди ва йўлакка чиқди».

Ўқиб кўриб афти буришди. Қоғозни гижимлаб яна ойнага ўйчан текилди. Сўнг у тоза ватман қоғоз олдида туш билан шундай ёзди: «Уйдан чиқаётганда, чироқни ўчиринг!»

Конструкторлик бюросидагилар Владимирдан алақачондан бери шундай эълон ёзиб беришни илтимос қилиб юришарди.

Русчадан таржима.

эмас, балки келган меҳмонлардан бири хис қилиб ўрнидан туриб шляпасини олади-да:

— Жаноблар, сизлар билан кўп ўтириб қолдим. Вақт алламаҳал бўлиб қолди, энди мен уйга қайта дейди.

● Атоқли олим Ньютон тухумнинг неча дақиқада пишшини аниқлаш мақсадида идишдаги сувга тухум солиш олдида чўнтагидидаги соатини олиб вақтни белгилайди. Ҳал қилаётган масаласи устида ўйлаб кетиб, идишга тухум ўрнига соатини ташлаб юборади. Бир мунча вақт ўтгач олим тухум пишди, деб бундан қараса; тухум қолиб, сувда соат биқирлаб қайнаётган эмиш.

Саҳифа материалларини қулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОНБЕКлар тайёрлашди.

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
домо бўлар...**

● Азизим, сен душман сўзига дарҳол ишониб кўя қолма, унинг сўзлари ҳийла ва алдовдан иборат бўлиб, у ўз мақсадига эришиш учун ўзини ниҳоятда мулоим қилиб кўрсатади. Сени гафлатда кўргач, тadbир ўқини мақсад нишонига уради. У пайтда сен учун чора-tadbир кўриш фурсати ўтган бўлиб, хасрат ва надомат ёрдам бермайди. Чунончи айтадилар:

Душман иши

аввал хийла-ю найранг,
Сўнг хужум бошлайди
қилади гаранг.

Бу селнинг йўллари
тўсилмасга гар,

Юзланар беҳисоб
фитна-ю зарар.

Фитна йўлин бугун
тўсмасанг маҳхам,

Эртага кучаяр
бўлиб мустаҳкам!

● Айтадилар:

— Ақлли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, хасадчи, ёлгончи, кўрқок, бахил, нафсига берилган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради:

Хар киши ўз ақлидан
огоҳ бўлар,

Ўзидан гумроҳ бўлар!
Душманинг эса сенинг зарар
топишингни ўйлайди.

Хар киши ўз душманини
кучсиз санар,

Бир куни кучли
зиёнидан ёнар!

Хасадчи эса бор-шудингдан ажралишингни истайди:

Ким хасад қилса
бировнинг молига,

Охири бўлгай анинг
вой ҳолига!

Ёлгончи эса фикрингни бузиб кўрсатади:

Кимки ёлгон сўзласа
ризқи кетар,

Бир куни ёлгон сўзи
бошга етар!

Кўрқок эса дадилликдан қайтаради. Бахил эса бойлик тўплашга харисманд бўлади ва ундан бировга фойда етмайди:

Молу ҳолинг аслида
душман эрур,

Зоҳиран боқсанг
неча равшан эрур!

Нафсига берилган киши ҳою-ҳаваснинг асрини билиб нафс тўридан қутулишга кучи етмайди:

Меҳнатинг бирла
нафсга бер жазо,

Қилмасин токи
балога мубтало!

Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жомалари институтининг катта илмий ходими Н.А.Закировага онаси

Хайри Максудовна

ХАДИЕВанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



*Ҳамшаҳарларимиз
ва пойтахтимиз меҳмонларини
Наврўз айёми билан
самимий қутлаймиз.
Сиз, азизларга, тинчлик-хотиржамлик,
фаровонлик ва оилавий бахт тилаймиз.
Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин!*

“Тошкент почтамати” жамоаси



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
усулида босилади.
4127 нусхави босилади. Қоғоз бирими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масъалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.